



### 3.2. Курсни созлаш

Тизимга киришимиз билан бизда янгидан курс яратиш имконияти бўлмайди. Янги курс яратиш учун Сизда бунга етарли ҳақ-ҳуқуқ берилмаган бўлади. Шунинг учун тизим администратори ёки бўлим администраторига мурожат қилишимиз лозим. Тизим администратори Сиз учун курс яратиши ва Сизга ушбу курсга Ўқитувчи (Учитель-Teacher) ролини (ҳақ-ҳуқуқини) бериши зарур.

Демак, администратор томонидан курс яратилиб унга ўқитувчи бекитилгач, тизим ойнасининг чап томонидаги менюсидан **Мои курсы** бўлимига кирсак, биз учун ажратилган курслар рўйхати ҳосил бўлади.



Зарур курсни танлаб олиб, дастлабки ишни курсни созлаб олишдан бошлаймиз. Бунинг учун: тизимнинг чап томонида менюлар тўпламидан НАСТРОЙКИ бўлимида жойлашган Редактировать настройки меню бўлимини танлаймиз:



Натижада курсни созлаш ойнаси хосил бўлади.

### Редактировать настройки курса

▶ Развернуть всё

▼ Общее

Полное название курса\*

Краткое название курса\*

Категория курса

Доступность

Дата начала курса

Идентификационный номер курса

▼ Описание

Описание курса

Расм 1. Курсни созлаш ойнаси

Бу саҳифада асосий этибор қаратиш зарур бўлган элементлар қуйидагилардан иборат:

<b>Бўлим ва майдон номи</b>	<b>Киритилиши лозим маълумот</b>
<b>Общее бўлимида</b>	
<b>Полное название курса</b>	Яратилаётган курснинг тўлиқ номи
<b>Краткое название курса</b>	Яратилаётган курснинг қисқартирилган номи
<b>Описание бўлимида</b>	
<b>Описание курса</b>	Курс аннотацияси киритилади. Курс аннотацияси иложи бўлганча қисқа ва тушунарли берилиши керак. Бунда унинг хажми 70-80та сўздан ошиб кетмаслиги лозим (Бу талаб тизим интерфейсининг ноқулай кўринмаслиги учун тавсия қилиняпти).
<b>Формат курса бўлимида</b>	
<b>Формат</b>	Курс формати – <b>Разделы по неделям</b> ёки <b>Разделы по темам</b> шаклларида бири танланади.
<b>Количество разделов</b>	Умумий соат сонидан келиб чиқиб (хозирча маъруза соатлари сонидан) танланади. <b>Масалан</b> , фан 64 соатга мўлжалланган бўлса 32

**Описание курса** майдонини қуйидагича кўринишда тўлдириш тавсия қилинади:

«Webга йўналтирилган дастурлаш» фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, бакалавриятнинг 5130200–Амалий математика ва информатика таълим йўналиши учун мўлжалланган. Ушбу курсда замонавий компьютер технологиялари асосида турли архитектурали web саҳифалар, локал ёки мижоз/серверга асосланган ВББТларни яратиш ўрганилади.

Қолган майдонлардаги маълумотларни тинч ҳолатидаги қийматларида қолдириш тавсия қилинади. Хамда

Сохранить

тугмасини босиш орқали киритилган ўзгартиришларни сақлаб оламиз.